O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2002 йил 6 февраль, чоршанба • №10 (11.398) • Эркин нархда сотилади

ХОТИН-ҚИЗЛАР АНЖУМАНИ

Шу йил 5 февраль куни Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитасининг II-ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоят хотин-қизлар қўмитасининг ҳисоботи тингланиб муҳокама қилинди.

Конференция қатнашчилари мамлакатимиз сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, маданият, санъат, илм-фанни ривожлантириш, баркамол ёш авлодни тарбиялашда хотин-қизларнинг роли ортиб бораётганлигини мамнуният билан таъкидлашди, навбатдаги вазифаларни белгилаб олишди.

Конференцияда Тошкент вилояти ҳокими Уммат Мирзақулов сўзга чиқди.

Конференция муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди ва вилоят хотин-қизлар қўмитасининг ҳамда тафтиш комиссиясининг янги таркибларини, шунингдек, Республика хотин-қизларининг навбатдаги қурултойига делегатларни сайлади.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова сўзга чиқди.

* * *

Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитасининг ташкилий мажлиси бўлди. Адибахон Аҳмаджонова вилоят хотин-қизлар қўмитаси раислигига сайланди.

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Миллий матбуот марказида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташаббуси билан «Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш муаммолари, ечими ҳамда истиқболи» мавзуида семинар ўтказилди.

– Семинарни ташкил этишдан мақсад, – деди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев. – Эндигина бизнес оламига кириб келаётган ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдир. Анжуманда тадбиркорлар фаолиятида учраётган муаммолар аниқланиб, унинг ечимини топишда нима қилиш лозимлиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Айнан шу масалаларга ойдинлик киритиш учун Адлия, Ташқи иқтисодий алоқалар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларидан ҳамда Давлат мулки қўмитасидан вакиллар чақирганмиз. Семинарда кўтарилган муаммолар ва уларнинг ҳал этишини таъминлаш учун Олий Мажлис Ёшлар ишлари қўмитаси раиси Азамат Зиё ҳам иштирок этмоқда.

«Туркистон-пресс».

Ислоҳот

«ТЎЙТЕПА-ДОН»НИНГ ЯНГИ ИШ ЖОЙЛАРИ

Нон — инсон ризқ-рўзи. Уни тайёрлашга қанча меҳнат сарф этилиши фақат шу соҳа кишиларигагина аён.

«Тўйтепа-дон» масъулияти чекланган жамияти жамоаси илгари фақат дон қабул қилиб уни тозалаш билан шуғулланар эди. 2001 йилда эса жамият қошида кичик нон цехи ишга туширилиб, у бир кунда тўйтепаликларга ўн тоннадан зиёд нон етказиб бера бошлади. Дастлабки пайтларда ун четдан келтириларди. Корхона раҳбарияти харажатларни камайтириш ва «Тўйтепа-дон»нинг ўзида бир йўла ун ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди. Ўртачирчиқлик яна 14 ёш йигит-қизни иш билан таъминлади.

– Яқин кунларда шоли оқлаш тегирмонини ҳам ишга туширишни мўлжаллаяпмиз, – дейди корхона раҳбарининг ўринбосари Абдураҳим Эшонов. – У ишга тушса, яна 10 киши иш билан таъминланиб, бир кунда 10 тоннага яқин гуруч ишлаб чиқариш имкони туғилади. Йил охиригача омухта ем ишлаб чиқарувчи цехни ишга тушириш ҳам режамизда бор.

Корхонада 250дан зиёд киши меҳнат қилаётир. Жамоанинг 80 фоизи ёшлардан ташкил топган. Уларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан иш суръати тобора ошиб, янги-янги режалар илгари сурилмоқда. Ўтган йили корхона 70 минг тонна дон қабул қилиб, 8 миллион соф фойда олган бўлса, бу йил 80 минг тонна дон қабул қилишни режаламоқда.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: корхона ҳаётидан лавҳалар.
Даврон АҲМАД суратлари.

КЎМАКДОШ, МАСЛАҲАТГЎЙ ВА УСТОЗ

Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилоят бўлимининг конференциясидан

Илгари хабар берганимиздек, Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилоят ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари ва уларнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, вилоят ҳокимлиги бошқарма ва бўлимлари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этишди. Йиғилишда ҳисобот даврида вафот этган қариялар ёдга олинди.

Конференцияда фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгаши ва тафтиш комиссиясининг ҳисобот маърузалари тингланди. Ҳисоботларни муҳокама қилишда Янгийўл туманидан меҳнат фахрийси Ҳадича Соатова, «Нуроний» жамғармаси Олмалиқ шаҳар кенгашининг раиси Мамат Турсуналиев, Оҳангарон шаҳридан меҳнат фахрийси Иван Красний, Тошкент туман «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги меҳнат фахрийси Маннап Рихсиевлар сўзга чиқишди.

Тошкент вилояти ҳокими Уммат Мирзақулов конференцияда сўзга чиқди.

(Давоми 3-бетда).

ВИЛОЯТ ҳаёти

ТАНЛОВ ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят ҳамда Тошкент тумани бўлимлари Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда кўрик-танлов ўтказишди.

Танловда Тошкент туманидаги Техника ва иқтисодиёт шунингдек, Ижтимоиёт ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежларининг «Дўстлик» ҳамда «Интелектуал ёшлар» жамоалари ўзаро куч синашдилар.

Тўртта шарт асосида ўтган ушбу танловда икки гуруҳ жамоалари ҳам турли соҳада ўзларининг билим ва маҳоратларини намоён этиб, бир-бирларидан қолишмасликларини кўрсатдилар.

Иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

«БОЛАЛИГИМ— ПОШШОЛИГИМ»

Зангиота тумани марказий болалар кутубхонасида бўлиб ўтган давра суҳбати ана шундай номланди. Унда катта ёшдаги отахон-онахонлар, ўқувчи болалар иштирок этдилар.

Кексалар ўзларининг болаликларида бошдан кечирган гоҳ қизиқ, гоҳ ибратомуз воқеа-ҳодисалардан болаларга сўзлаб бердилар.

Бундай давра суҳбатларни туманнинг бошқа кутубхоналарида ҳам ўтказиш режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз.

МАКТАБГА КОМПЬЮТЕР СИНФИ

Қибрай туманида «Маданият» ширкат хўжалигидаги 39-мактаб янги компьютер синфига эга бўлди.

Бундай хайрли ишга Туркиянинг «Оз СИЛМ» фирмаси яқиндан бош қўшди. Ушбу синфда энг замонавий 12та «Pentium» русумидаги компьютер қурилмалари ўрнатилди.

Акбар АЛИЕВ.

ГРАНТ-БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон билан Япония мамлакатлари ўртасида амалга оширилаётган иқтисодиёт, санъат, маданият соҳаларидаги ҳамкорлик лойиҳаси яхши самара бермоқда.

Яқинда навбатдаги грант-битим имзоланди. Жами 415584 АҚШ доллари ҳажмидаги ушбу лойиҳа Ўзбекистондаги қатор меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатларга тақдим этилди. Ана шу беғараз ёрдамдан Ўзбекистон «Тадбиркор аёл» уюшмасининг Бекобод ва Янгийўл шаҳар бўлимлари ҳам баҳраманд бўлишади.

Грант-битим мамлакатимизда халқ таълимини, тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш учун сарфланади.

Али АСҚАРОВ.

«Jo`key» КЛУБИДА БАЙРАМ

Тошкент вилоятида, яъни пойтахт яқинида жойлашган "Jo`key" от спорти клуби 10 ёшдан 12 ёшгача бўлган ўсмирларни от спорти машғулотларига таклиф қилади. Клуб директори Абдулҳай Файзиев журналистлар билан бўлган учрашувда бу ҳақда маълум қилди.

А. Файзиев клубнинг бир ярим йил аввал ташкил бўлганини гапира туриб, ўзининг отаси, барча оила аъзолари азалдан отларга ишқибоз эканлигини, улоқ - кўпкари чопиш билан шуғулланиб келганини таъкидлади.

– Тошкент от заводи инқирозга юз тутган бир пайтда молиявий имконият туғилиб, от спорти клубини очдик, – деди А.Файзиев . – Ҳозир клубда 35та наслдор отлар, жумладан асл инглиз отлари, қорабайирлар, ахалтака, Орлов тулпорлари ва бошқа зотдор отлар мавжуд. Отхонамизда тўртта тойчоқнинг туғилганлиги ҳам катта ва жиддий ишга қўл урганимиздан далолат беради.

От спорти клуби нафақат ўз спортчиларининг муваффақиятга эришишлари, балки умуман республика от спортини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Айнан шунинг учун ҳам клубга ўсмирлар қабул қилинган. Олти ой давомида машғулотларга қатнашиш чиптасини сотиб олган ўқувчиларга ADIDAS фирмасининг Тошкентдаги масъул ходими томонидан бепул спорт кийимлари берилади.

"Туркистон-пресс".

Журналист суриштируви

Зўраки «ёрдам»

уни Тошкент вилояти «Дори-дармон» акциядорлик бирлашмаси жамоаси рад этди. Нега?

Ҳамманинг уйида телевизор бор. Ундан ҳар куни бир хил чақириқ янграйди. Яъни Адлия вазирлиги тадбиркор, ишбилармонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўринсиз, ортиқча текширувларга чек қўйиш мақсадида «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» жорий қилингани, уни тўлғазмаслик ҳатто жиноят ҳисобланишини уқтириб келади. Бундан кўзланган мақсад аниқ: тадбиркор вақтини ғалваларга эмас, ишлаб чиқаришга, товар-мол келтиришга ёки экспорт учун сарфлаши лозим.

Маълумки, мамлакатимизда текширувларни тартибга солиш бўйича қатор йўл-йўриқлар, қолаверса Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши бор. Қисқаси, корхона, ташкилот, тадбиркорлар жамоасини бўлар-бўлмас, мақсадсиз текширишлардан асраш чоралари кўрилган. Айтиш керакки, бундан кўпгина назорат идоралари хулоса чиқарди. Фақат зарурат туғилганда, режадан ташқари текширишлар ўтказишга кўникма ҳосил қилдилар. Бу ҳол юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга хизмат қилаяпти. Кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожига ривож қўшмоқда. Бу яхши. Аммо, баъзи жойларда ҳали-ҳануз текширтекширлар озаймаяти.

Вилоят «Дори-дармон» акциядорлик бирлашмаси анча иқтисодий бақувват ташкилот. Ўтган йили бирлашмага 2 миллион 420 минг АҚШ доллари миқдорида квота маблағи ажратилган эди. Уч чорак якуни бўйича бу маблағлар тўлатўкис ўзлаштирилди. Хорижий шериклар билан 25 та шартнома тузиб, ўн ой мобайнида 174 номдаги 2 миллион 226 минг долларлик дори-дармон олиб келинди. Ўн ойлик товар айланмаси 3 миллиард 984 миллион 761 минг сўмга етиб борди. Республика даволаш- профилактика муассасаларининг ўзига 540 миллион сўмликка яқин дори- дармон етказиб берилди. Ҳар ойлик ўртача қарз миқдори 30 миллион сўм атрофида тебраниб туришига қарамасдан вилоят даволаш-профилактика муассасаларига эҳтиёж учун зарур дори-дармонлар бетўхтов жўнатиб турилибди.

Акциядорлар ҳам хурсанд. Улар ҳар дона акциясига 1999 йили 979 сўмдан дивиденд олишди. 2000 йил якунига кўра эса, бундай тўлов 729 сўмни ташкил этди. 2001 йил ҳам, дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 40 миллион сўм фойда билан якунланмоқда. Ана шу жамоанинг кайфияти бугун жойида эмас. Тўғриси, бундан ўз мақсади йўлида фойдаланмоқчи бўлаётганлар ҳам, кўмакка чоғланганлар ҳам бўлади. Аммо жамоа бировнинг изидан кўр-кўрона эргашмоқчи эмас. Ҳамма иш қонун доирасида бўлишини, акциядорнинг ҳуқуқи бузилмаслигини хоҳлашади. Гап шундаки, бирлашма сўнгги йилларда кўп текшириладиган бўлиб қолди. Айниқса, ўтган йили бу ҳол устма-уст такрорланди.

Холисона айтганда, бирлашма фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қиладиган текширувлар ҳам ўтказилган. Камчиликлар аниқланиб, йўл-йўриқлар, тегишли маслаҳатлар берилган. Бундан жамоа фақат фойда кўрди, тўғри хулоса чиқарди, десак ишонаверинг. Аслида текширув нима учун ўтказилади? Ташкилот, корхонага кўмаклашиш учун, яъни деспиниб қолган механизмни юргизиб юбориш мақсадида. Ўтган йил февраль ойида республика «Дори-дармон» Давлат акциядорлик уюшмаси мутахассислари томонидан ўтказилган ялпи текшириш ана шундай кўнгилда иш юритди. Вилоят «Дори-дармон» бирлашмаси аҳли мамнун эди. Чунки ҳар қандай ҳатти-ҳаракат қонун доирасида, беғараз бўлгач, қабул қиласан-да. Аммо, орадан ҳеч қанча ўтмай, 2001 йил 20 мартда уюшманинг етакчи инспекция мутахассисларидан икки нафари яна текширгани келади. Таҳлил- лаборатория ишларининг амалда бажарилиши ўрганилади. Вилоятдагилар буни ҳам «ўзимизники» маъносида қабул қиладилар. Ўтган йилнинг 21 декабрида уюшма бошқаруви ҳайъатининг мажлиси бўлади. Кун тартибида қатор масалалар бўлиб, вилоят бирлашмаларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш иш режаси ҳам киритилган эди. Вилоят «Дори-дармон» давлат акциядорлик бирлашмаси бош директори Ш.Пўлатов бунга қарши туради. Сабабини тушунтиришга уринади:

— Бу бирлашманинг бутун молиявий-хўжалик фаолияти ва бошқа иш юритувларини қайта текшириш учун ўйлаб топилган баҳона. Шундай экан, унга бизда эҳтиёж йўқ!

Пўлатовнинг таклифи рад этилади. Тегишли қарор қабул қилинади. 2002 йил 3 январда уюшма раиси У.Солиҳбоеванинг 1«а» буйруғи билан «амалий-услубий ёрдам кўрсатиш» учун етти нафар мутахассис бирлашмага юборилади.

— Шунда биз ғалати аҳволга тушиб қолдик,— дейди Ш.Пўлатов. — Чунки доимий-услубий ёрдам бирлашма молиявий ночор аҳволга тушиб қолганда, амалдаги қонунлар мунтазам равишда бузилаётганда, ходимлар ҳамда харидорлардан кўп ва жиддий шикоятлар тушганда, раҳбариятга ўз хоҳиши билан мурожаат қилганда берилиши керакда. Бирлашмамизда бунга эҳтиёж йўқу ёрдамлашамиз, деб ўтирса, қизиқ-да. Ундоқ деб кўрдим бўлмади, бундоқ дедим кўнишмади. Кейин «Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, уюшманинг «амалий ва услубий ёрдам» ҳайъати аъзоларидан «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»ни тўлғизишни талаб қилдим. Улар рад этишди.

Ҳаммамиз ҳам инсонмиз. Кўнглимизнинг бир четида ҳурмат туради. Бирлашма бош директори ҳам ушбу ёрдам ихтиёрий бўлганлигини қадрлагиси келди. Комиссияга назорат тартибида юритилаётган расмий ишларни кўриш учун бир кунга рухсат беришини айтди. Лекин... Орадан уч кун ўтгач, уюшма раиси ўринбосари — «амалий-услубий ёрдам» ҳайъати раиси

(Давоми 2-бетда).

Ҳамкорлик

"Ўзметкомбинат"га хорижда қизиқиш катта

Австриянинг "CA IB INESTMENTBANK AG" инвестиция банки Бекобод шаҳридаги "Ўзбекистон металлургия комбинати" акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси учун диагностик текшириш, баҳолаш, якка тартибда хусусийлаштиришга тайёрлаш ва хорижий инвесторларни излаш бўйича молиявий маслаҳатчи сифатида ўз фаолиятини бошламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси матбуот хизматининг ЎзА мухбирига хабар беришича, ушбу комбинатни хусусийлаштириш Вазирлар Маҳкамасининг "2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида кўзда тутилган.

"Ўзметкомбинат"ни якка тартибда хусусийлаштириш лойиҳасини молиялаш Жаҳон банки томонидан Ўзбекистондаги корхоналарни тузилмавий ривожлантириш учун ажратилган қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бекоботддаги металлургия комбинатини хусусийлаштириш тўғрисидаги хабар 2000 йилда "UN Development & Business" халқаро нашрида чоп этилган эди. Ушбу хабар хорижий инвесторларда ҳамкорлик қилишга катта қизиқиш уйғотди. Шу сабабли бешта нуфузли халқаро консалтинг компанияси ва инвестиция банки унга қизиқиш билдирди.

"CA IB INESTMENTBANK AG" банки Европанинг етакчи инвестиция банки ҳисобланади ва унинг 17 та ҳудудий офисида, шунингдек, Лондон, Нью-Йорк, Вена шаҳарларида 700 нафарга яқин малакали ходими фаолият юритмоқда. Банк Марказий Европа ва МДҲ давлатларидаги корхоналарни қайта қуриш ҳамда хусусийлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш борасида катта тажрибага эга.

ЎзА.

Зўраки «ёрдам»

И.Раззоқов бошчилигидаги ёрдамчилар яна келишди. Бу сафар «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»га фақат И. Раззоқовгина ёзув киритди. Шундан сўнг бирлашманинг барча йўналишлари, шунингдек, молиявий- хўжалик фаолияти юзасидан ҳам ҳужжатлар талаб қилиниб, текшириш бошланди.

— «Услубий-амалий ёрдам» дастури 32 йўналишдан иборат бўлиб, уни амалга ошириш молия-хўжалик фаолиятини ўрганмасдан бўлмасди,— дейди Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг ишчи органи мутахассиси О.Тўйчиев. — Шу сабабли биз ўз эътирозимизни билдирдик. Дастурни нотўғри деб топдик ва бу ҳақда баённома тўлдирдик.

Ҳақиқатданам бирлашма жамоаси ёлғизланиб қолмади. Назорат идоралари кўмакка келдилар. Услубчилар ортларига қайтишди. Дарвоқе, эсдан кўтарилаёзибди. Шу муносабат билан вилоят «Дори-дармон» ДАБ кузатув кенгаши раиси А.Аъзамов ҳам уюшма раиси номига хат ёзади: «Сиз томондан берилган буйруқларга асосан амалий ва услубий ёрдам баҳонасида ўтказилаётган барча текширувлар ҳамда ўтган йил 21 декабрдаги уюшма қарорининг амалий-услубий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қисмлари юз фоиз ноқонунийдир. Сизни шу ҳақда огоҳлантираман. Ушбу ҳаракатларни дарҳол тўхтатишингизни сўрайман».

Алқисса, масаланинг иккинчи томонини ўрганиш фурсати етганди. Шу сабаб «Дори-дармон» Давлат акциядорлик уюшмасига бордик.

— Жорий йилнинг 3 январида комиссия аъзолари билан, ҳақиқатан ҳам, Тошкент вилоят «Дори-дармон» ДАБда хизмат сафарида бўлганмиз, — дейди раис ўринбосари И.Раззоқов. — Бирлашма бош директори Ш.Пўлатов ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, «Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгашининг ижозати бўлмаса, амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш учун рухсат бермайман, бу қонунга зид. Фикримни ҳайъат йиғилишида ҳам айтганман. Текшириш бошлашдан олдин махсус журнални тўлдиринглар. Сўнгра назорат тарақасидаги 4 соатлик текширишга рухсат этаман. Шунда ҳам сизларга биронта ҳужжат берилмайди. Уюшмадан амалий ёрдам сўраб мурожаат қилмаганман, менга ёрдам керак эмас», деди. Мен унга бу назорат тарақасидаги текшириш эмаслигини, балки амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш учун келинганлигини, ҳайъат қарори асосида буйруқ чиқарилганлигини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Барибир комиссияга амалий ва услубий ёрдам кўрсатишга рухсат берилмади. 4 январда кузатув кенгаши мажлисини чақириб, ушбу муаммони ҳал қилиш таклифини киритдим.

Шундан кейин Раззоқов бирлашмадаги турли бошбошдоқликлар ҳақида гапира туриб, қўлимга бир «протокол»ни узатди. Унда ёзилишича, шу йилнинг 29 январида бирлашма кузатув кенгашининг йиғилиши ўтказилибди. Қисқа муддатли «Амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш» жараёнида аниқланган камчиликларга йўл қўйган жамоа бошлиғи қаттиқ танқид қилиниб, қилмишлари очиб ташланибди. Сўнг йиғилишга касал жойидан олиб келинган кузатув кенгаши раиси А.Аъзамов, саломатлиги ёмонлашгани муносабати билан, ўз аризасига кўра вазифасидан озод этилибди.(!) Унинг ўрнига тааж-жубки, Республика «Дори-дармон» Давлат акциядорлик уюшмаси раиси У.Солиҳбоеванинг ўзи сайланибди.

— Давлатнинг акциядорлик жамиятларидаги ишончли вакиллари тўғрисидаги низомга кўра У. Солиҳбоева бирлашмамизда давлатнинг ишончли вакили ҳисобланади. Низомнинг 4.2 бандига асосан «Давлатнинг ишончли вакили акциядорлик жамияти бошқаруви ижро этувчи органлари томонидан амалга ошириладиган жорий ишлаб чиқариш фаолиятига аралашмайди...» дейилган. 4.4 бандда эса «Давлатнинг ишончли вакили тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳузуридаги Комиссия ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан келишиб олинмасдан бошқа акциядорларнинг акциядорлик жамияти бошқарув органларидаги вакили бўлиши мумкин эмас» дея белгилаб қўйилган, — дейди бирлашма ҳуқуқшуноси Д.Зокиров. — Уюшма раиси эса қонунни бузиб бўлса ҳамки, бир вақтнинг ўзида учта мансабни эгаллаб олди. Бунинг устига мутахассислиги бўйича врач бўла туриб, фармацевтикага раҳбарлик қилмоқда. Бу ҳолат «Фуқароларнинг соғлиқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддасига ҳамда «Дори-дармонлар ва фармацевтик фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасига зиддир. Аниқроқ айтганда, ушбу моддада дорихоналарга фақат олий маълумотли фармацевтлар раҳбарлик қилиши таъкидланган. Бироқ...

Ана холос, буёғига нима дейсиз энди?!

Кундалик ҳаётдан маълумки, дори-дармонга эҳтиёж катта. Бировнинг боласига, бошқанинг ўзига керак. Хусусан, пойтахт вилоятида ҳам дорига муҳтож оилалар оз эмас. Балки вилоят бирлашмаси ана шу вазифани уддалай олмаётгандир? Иқтисодий кўрсаткич тушиб кетаётгандир? Шу сабабли текширишлар ўтказилаётгандир?

— Гап унда эмас,— дейди И.Раззоқов. — Юқори орган бўлгандан кейин назорат қилиб туриши керак-да.

Тўғри, назорат керак. Бироқ, у холис бўлиши, жамоа манфаатини ҳимоя этишга хизмат қилиши лозим. Бировни жазолаш, ишдан четлаштиришга йўналтирилган назоратни том маънодаги назорат, деб бўлмайди? Қолаверса, эндиликда фақат ва фақат қонун назоратчи бўлмоғи бугуннинг талабидир.

Сўнгги сўз ўрнида:

Бирлашма аҳли «Уюшмадагилар энди бизга «амалий ёрдам» бермаса керак. Чунки унга муҳтожлигимиз йўқлигини билишди-ку, қолаверса «ёрдам кўрсатиб» кузатув кенгаши раисини ишдан бўшатишган бўлса», дея хотиржам тортган эди. Афсуски, шу кунларда «кўмакчилар» тағин келадиган бўлишибди...

Қурбон ЭШМАТОВ, журналист.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хат босилмади, чора кўрилди

ГАЗ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНАДИ

Яқинда Паркент туманидан шикоят хати олган эдик. 32 нафар киши имзо чеккан мазкур мактубда газ таъминотида юзага келган муаммолар тилга олинган эди. Арзнома билан атрофлича танишиб, чора кўриш учун уни «Тошвилоятгазтаъминот» шўъба корхонасига юборган эдик. Корхона раҳбари Н.Акрамов имзоси билан қуйидаги жавоб хатини олдик:

«Тошвилгазтаъминот» шўъба корхонасида Паркент туманининг Сўқоқ, Навдак, Невич қишлоқларида яшовчиларнинг таҳририятга ёзган шикоят хатини атрофлича ўрганиб чиқдик. Кейинги уч-тўрт йил мобайнида Паркент туманида газ таъминоти меъёр даражасидан паст эди. Бунинг асосий сабаби 1982 йилда қурилган, айланаси 219 мм, узунлиги 17,2 километр бўлган соатига газ сарфи 9240 куб метр ҳажмдаги, «Қуёш» объектига мўлжаллаб қурилган газ тармоғига ҳозирги пайтда бутун Паркент туманининг 19218 куб метр сарфли газ таъминоти юкланганидир. Айланаси 219 мм.ли газ қувуридан бундай ҳажмдаги «зангори олов»ни етказиб бериш мумкин эмас. Шу сабабли 1994 йилда Юқоричирчиқ тумани Янгибозор қўрғонидан Паркент шаҳригача айланаси 325 мм.ли, узунлиги 19,9 километр бўлган юқори босимли газ қувурини улаш режалаштирилган эди. 2000 йилга қадар 7,5 километр масофага газ қувурлари уланган. Шу йили Янгибозор қўрғонида «Ўзбекистон» газ тақсимлаш станцияси қурилиб, ишга туширилиши муносабати билан лупинг газ қувурини қуриш ишлари тўхтаб қолди.

Ҳозирги кунда Паркент туманида табиий газ таъминотини яхшилаш мақсадида корхонамиз томонидан барча чоралар кўрилмоқда. Шу жумладан, 2002 йилги газ тармоқлари қурилиши дастурида Паркентда газ қурилишига 70 миллион сўм маблағ ажратиш режалаштирилган. Яна шуни таъкидлаш жоиз, Юқоричирчиқ туманида табиий газ истеъмоли қисқаргани сабабли Паркент туманида газ босими бирмунча оширилди. Шикоятда кўрсатилган Навдак қишлоғида газ кам бўлганлиги боис 2001 йил декабрь ойи учун аҳолидан газ ҳақи олинмади. Сўқоқда эса, хонадонларга махсус ҳисоблагичлар ўрнатилган. Шунинг учун, аҳоли қанча «зангори олов» ёқилганига қараб ҳисоблагичда кўрсатилган пулни тўлаяпти. Шунингдек, Невич қишлоғида ҳам газ босими сезиларли даражада кўтарилди».

ҚЎШИМЧАСИ 40 МИЛЛИОН СЎМЛИК

Бу машина-трактор саройи жамоасини қибрайлик деҳқонлар ва миришкорларнинг яқин кўмакдошлари, деб бежиз айтишмайди. Ҳақиқатан ҳам у ташкил этилгандан бери қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари оғирини енгил, узоғини яқин қилишмоқда. Сарой ишчи-хизматчилари ўтган йилда самарали меҳнат қилдилар. Мавжуд машина-механизмлари билан деҳқончилик юмушларини амалга оширишда фаол қатнашдилар. Шу даврда 217 миллион 100 минг сўмлик иш бажарилди. Бу режада назарда тутилганидан салкам 40 миллион сўмлик кўп.

Ер ҳайдаш тракторлари, ғалла ўриш комбайнлари, бульдозерлар, тракторлар, юк автомашиналари — ҳаммаси бўлиб қиркдан ортиқ турли қишлоқ хўжалик машина-механизмлари сарой жамоаси ихтиёрида. Уларни етмиш саккиз ишчи-хизматчи бошқаряпти. Ўз касбини пухта эгаллаган механизаторлар орасида ака-ука Нуриддин ва Ҳусниддин Гемалиддиновлар, тракторчи Очил Газиевлар ўз вазифаларига сидқидилдан муносабатда бўлишяпти. Чунончи, Очил Газиев туман хўжаликларининг 1467 гектар майдонини шудгорлади. Гемалиддиновларнинг ҳар бири эса, ўз «Кейс» комбайнлари билан 550 гектар майдондаги ғаллани ўриб, янчиб берди. Шу кунларда саройда техника воситаларини янги мавсумга тайёрлаш ишлари жадал олиб бориляпти.

Собир ҲАМИДОВ.

СУРАТДА: *(чапдан) чилангар Ҳусан Ҳайриддинов ва тракторчи Азим Тошпўлатов тайёр деталнинг сифатини кўздан кечиришмоқда.*

Даврон АҲМАД олган сурат.

Фермерлар ёрдамида

Қуйичирчиқ туманидаги 26-мактаб ўқувчилари таъмирдан сўнг замонавий жиҳозланган синфларда ўқий бошлади.

Яна бир қувонарли жиҳати, "Улуғбек" хўжалиги фермери Ҳамза Ҳуббалиев мактаб кутубхонаси учун юз минг сўмлик китоб совға қилди. Фермер бундай ҳомийлик ёрдамини тумандаги 29-, 31-мактабларга ҳам кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, у "Қизил шарқ" маҳалласида истиқомат қилаётган камхарж оилаларга ҳам бир ярим тонна буғдой тарқатди.

Фермер учун ўтган деҳқончилик йили баракали келди. Мавжуд 77 гектар экин майдони ҳисобидан давлатга 86 тонна пахта, 120 тонна дон, 20 тонна шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотди. Олинаётган фойда эса фермер хўжалиги аъзолари моддий турмушини яхшилаш билан бирга камхарж оилаларни, мактабларни қўллаб-қувватлашга сарфланмоқда.

Дарвоқе, янги деҳқончилик мавсумида фермернинг экин майдонлари 82 гектарга кенгайди. Тумандаги "Исроил", "Ойбек-А", "Қўчқор ота" каби ўнлаб фермер хўжаликларида ҳам ер самарадорлиги кўзланганидан анча юқори бўлмоқда. Шу боис бу йил туман ҳокимлиги томонидан илғор фермерлардан саккизтасига 600 гектар қўшимча ер ажратилди. Демак, ерлар фермерлар тасарруфига ўтгач, самарадорлиги янада ошади, даромад янада кўпаяди. Ҳомийлик ёрдамлари ҳам кучаяди.

ЎзА.

Тошкент — мустақиллик йилларида

Истиқлол йилларида мамлакатимиз пойтахти - Тошкентнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди.

У дунёнинг энг гўзал шаҳарлари қаторидан ўрин олди. Ана шу давр мобайнида ўзида миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарини мужассам этган Олий Мажлис биноси, Темурийлар тарихи давлат музейи, меҳмонхоналар, фавворалар, кўприклар, кенг ва равон йўллар қурилди.

"Ўзбектелефильм" студиясида суратга олинган "Тошкент - мустақиллик йилларида" деб номланган икки қисмли янги ҳужжатли кинофильмда ана шу ҳақда ҳикоя қилинади.

Фильмда Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизда амалга оширилаётган барча бунёдкорлик ишларининг бош меъмори сифатида намоён бўлади. Бу, айниқса, Юртбошимизнинг ташаббуси билан шаҳар марказида бунёд этилган Хотира хиёбони, Бўзсув соҳилидаги Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуи, янги спорт иншоотларининг яратилиши манзараларида янада яққол ифодаланган.

ЎзА.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2002 йил 13 ва 20 март кунлари соат 10.00да ўтказиладиган навбатдаги аукцион ва биржа савдоларига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. «Уйжойқурилиш жамғармабанк» Бекобод шаҳар бўлимига қарашли М-21412 русумли, давлат рақами 11 АЕ 637, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 243 200 сўм.

2. Тошкент вилояти силга қарши кураш диспансерига қарашли ЗИЛ-130 русумли, давлат рақами 11 АР 147, 1977 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 710 000 сўм.

3. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, ДСИ томонидан хатланган Чиноз пахта тозалаш корхонаси ОАЖга қарашли ДЭУ ДАМАС русумли, давлат рақами 11 АА 575, 1997 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 2 690 400 сўм.

4. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, ДСИ томонидан хатланган Чиноз пахта тозалаш корхонаси ОАЖга қарашли РАФ-22030601 русумли, давлат рақами 11 АС 256, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 1 163 300 сўм.

5. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, ДСИ томонидан хатланган Чиноз пахта тозалаш корхонаси ОАЖга қарашли ЗИЛ ММЗ-450М русумли, давлат рақами 11 АС 250, 1983 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 902 500 сўм.

6. Ўзбекистон Республикаси «Ўзэлектрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А. Навоий проспектида жойлашган «Сиҳатгоҳ» объекти.

Бошланғич баҳоси – 121 113 500 сўм (ер майдони бу баҳога кирмайди).

7. Ўзбекистон республикаси «Ўзэлектрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Конструкторлар даҳаси, 5-уйда жойлашган «Ситора» меҳмонхонаси объекти.

Бошланғич баҳоси – 79 559 900 сўм (ер майдони бу баҳога кирмайди).

8. Ангрен шаҳар ДСИ томонидан хатланган Ангрен шаҳар 72-сонли акционерлик автокорхонасига қарашли ГАЗ-5312 русумли, давлат рақами 69-34 ТШП, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 885 300 сўм.

9. Ангрен шаҳар ДСИ томонидан хатланган Ангрен шаҳар 72-сонли акционерлик автокорхонасига қарашли ГАЗ-24 русумли, давлат рақами 11 АЕ 962, 1978 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 557 600 сўм.

10. Ангрен шаҳар ДСИ томонидан хатланган Ангрен шаҳар 72-сонли акционерлик автокорхонасига қарашли ГАЗ-2401 русумли, давлат рақами 11 АЕ 953, 1984 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 608 300 сўм.

11. Ангрен шаҳар ДСИ томонидан хатланган Ангрен шаҳар 72-сонли акционерлик автокорхонасига қарашли ГАЗ-5312 русумли, давлат рақами 69-45 ТШП, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 885 300 сўм.

12. Ангрен шаҳар ДСИ томонидан хатланган Ангрен шаҳар 72-сонли акционерлик автокорхонасига қарашли ГАЗ-5201 русумли, давлат рақами 30-78 ТШР, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 885 300 сўм.

13. Ангрен шаҳар ДСИ томонидан хатланган Ангрен шаҳар 72-сонли акционерлик автокорхонасига қарашли ГАЗ-3307 русумли, давлат рақами 34-52 ТШР, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 966 200 сўм.

14. Ангрен шаҳар ДСИ томонидан хатланган Ангрен шаҳар 72-сонли акционерлик автокорхонасига қарашли КаМАЗ-5320 русумли, давлат рақами 36-24 ТШР, 1985 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 1 955 300 сўм.

15. Ангрен шаҳар ДСИ томонидан хатланган Ангрен шаҳар 72-сонли акционерлик автокорхонасига қарашли КаМАЗ-5511 русумли, давлат рақами 38-39 ТШР, 1986 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 1 933 200 сўм.

16. Ангрен шаҳар ДСИ томонидан хатланган Ангрен шаҳар 72-сонли акционерлик автокорхонасига қарашли КаМАЗ-5320 русумли, давлат рақами 39-83 ТШР, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси – 1 955 300 сўм.

Эслатма: Сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, баҳолаш хизмат ҳақини алоҳида «Xususiylashtirishga ko`maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида ва давлат божи учун мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ Давлат ордерини олиш учун тўланади.

Шунингдек, аввалги савдоларда қўйилган ва сотилмай қолган, бекор қилинган ер майдонлари, автотранспорт воситалари ва бошқа кўчмас мулк объектлари ушбу савдоларда сотилиши мумкин. Биржа савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба, жума кунлари ўтказилади.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй, вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Тел.: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили

УЛКАН ИШЛАРИМИЗНИНГ КАРВОНБОШИЛАРИ

Конференция делегатлари ҳисобот даври тарихий воқеларга бой бўлганлигини алоҳида таъкидладилар. Шундай саналар нишонландики, улар Ўзбекистоннинг янги тарихида ўчмас из қолдирди. Президентимиз ва республика ҳукуматининг ёрқин истиқболларнинг ишончли гарови бўлган ҳаётбахш ички ва ташқи сиёсати, тараққиёт сари қўйилаётган улкан одимлар, иқтисодий ислоҳотларнинг йил сайин чуқурлашаётгани, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг миллий модели ишлаб чиқилганлиги, кучли ижтимоий ҳимоялаш сиёсати унинг марказий бўғини сифатида белгиланганлиги ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборди. Янгича фикрлаш, ишлаш, ижтимоий тараққиётга ишонч, улуғвор бунёдкорлик ишлари ҳайратомуз ўзгаришларга асос бўлмоқда. Ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш йўли ўз моҳият эътибори билан мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгартиришларнинг асосий боғловчи бўғинига айланди.

Тошкент вилояти ўз салоҳияти, катта имкониятлари, тараққиёт йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар, Ватан куч-қудратини мустаҳкамлашга қўшаётган улуши билан мамлакатимиз вилоятлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаб турипти.

Халқ хўжалигининг тармоқлари ҳозирги даврнинг юксак талабларига монанд тарзда юксалиш йўлидан бормоқда. Шаҳар ва қишлоқлар, уларнинг марказлари қиёфаси кескин ўзгариб кетди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Замонавий коллеж ва лицейлар қад кўтарди. Таълим-тарбия ишлари такомиллаштирилмоқда. Янги-янги маданий-маиший, тиббиёт муассасалари бунёд этилмоқда. Соғлиқни сақлаш ишларини яхшилаш, тиббиёт муассасаларини жаҳон андозаларига мослаштириш жараёни қизғин давом этмоқда.

Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ҳамда деҳқон-фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашда салмоқли кўрсаткичларга эришиляпти. Ризқ-рўзимиз бўлган ғалла етиштириш, иқтисодиётимизнинг асосий манбаи бўлган пахтачиликни ривожлантиришда эришилаётган ютуқлар алоҳида таъкидланди.

Буларнинг бари меҳнатсевар халқимизнинг фидойилиги, мард, тантилиги, ишчанлиги, салоҳияти, ташаббускорлиги маҳсулидир. Ана шу ишларнинг барчасида «Нуроний» жамғармаси тизимидаги фаоллар, жамоатчилик вакиллари, жонкуярларнинг ҳам ҳиссалари катта бўлмоқда. Маърузачи ва нотиқлар нуронийлар вилоят ҳаётида ўз ўринларини эгаллаб олганликлари, ишлаб чиқариш, хусусан, қишлоқ хўжалиги ишларида кўрсатаётган амалий ёрдамларини мамнуният билан тилга олишди.

ЭЛ-ЮРТ АРДОҒИДА

Ҳисобот даврида республикада кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда, айниқса, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларни эъзозлаш, уларнинг атрофида ҳурмат-эҳтиром муҳитини ҳосил қилиш, эҳтиёжмандларга зарур моддий-маънавий ва тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича катта ишлар қилинди. Бу борада жамғарманинг вилоят, туман ва шаҳар бўлимлари ўзлари ишлаб чиқиб қабул қилган «Ғамхўрлик» дастури асосида фаолият юритмоқдалар. Қарияларнинг яшаш шароитлари яқиндан ўрганилиб, уруш фахрийлари, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кексалар, кўп болали ва муҳтож оилаларга мақсадли ёрдамни тўғри ташкил этиш кучайтирилди.

Ҳозирги кунда вилоятда 269 минг киши пенсия олмоқда. Улар орасида уруш қатнашчилари 4603 қишини ташкил этади. Уларнинг ҳар учинчиси биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларидир. Умуман, 5 мингдан ортиқ қария бугунги кунда ўзгалар парваришига муҳтож. Шаҳар ва қишлоқларимизда уруш ортида меҳнат қилганлар 38 мингдан ортиқ кишини ташкил этади. Афғон уруши қатнашчилари, ногиронлари, Чернобил фалокати туфайли соғлиғини йўқотганлар — 4 мингдан ортиқ киши ҳам жамият ва давлат ардоғида. Ҳозир вилоятда 100 ёшга тўлган 214 табаррук отахон ва онахонлар яшаб турганлиги йиғилиш иштирокчиларида алоҳида мамнуният ҳиссини уйғотди.

Ўтган беш йил давомида ана шу табаррук инсонларга 6 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Унинг 2,7 миллион сўми бевосита вилоят бўлими томонидан ажратилди. Умуман, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар, ётиб қолган беморлар ва аҳолининг ҳимояга муҳтож бошқа қатламларига маблағларнинг барча манбалари ҳисобидан беш йил ичида ҳокимликлар, хомийлар, турли корхона ва муассасалар, хўжаликлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, унинг жойлардаги идоралари ва бошқа ташкилотлар ҳамда тадбиркорлар 707 миллион сўмлик ижтимоий ёрдам кўрсатишди.

«Нуроний» жамғармасининг вилоят, туман ва шаҳар бўлимлари бундай тадбирларни маҳаллий ҳокимият органлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва унинг жойлардаги идоралари, ижтимоий таъминот бошқармалари, «Маънавият ва маърифат» марказлари, касаба уюшмалари вилоят кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорликда ўтказмоқдалар. Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу ишларга яна ҳам кенг кўлам бағишламоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши бу соҳада ҳукуматнинг махсус дастурини амалга оширишга киришилганлиги кексаларнинг қадр-қимматини янада ошириб юборди.

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИГА – САЛМОҚЛИ ҲИССА

Конференцияда кекса авлод вакилларининг ташкилий, маънавий-маърифий ва оммавий-маданий соҳалардаги фаолиятларига юксак баҳо берилди. Улар меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда қизғин иш олиб бормоқдалар. Ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш, янги боғроғлар, хиёбонлар бунёд қилиш ташаббуси билан чиқмоқдалар. Шаҳар ва туманлар, қишлоқлар марказларида хотира хиёбонлари, мажмуалари барпо этилаяпти. Улар турли оммавий-маданий тадбирлар ўтказиладиган марказга айланмоқда. Янгийўл, Юқоричирчиқ, Оққўрғон, Қибрай, Бўка ва бошқа туманлар, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарларидаги хиёбонлар, ёдгорликларда кенг кўламли тарбиявий ишлар амалга ошириляпти.

Нуронийлар янги-янги мевазор боғ-роғлар ташкил этиш, уларни парваришлашга бош-қош бўлишаяпти. Чиноз, Ўртачирчиқ ва Қибрай туманларида шундай боғлар мева бера бошлади. Ўртачирчиқ нуронийлари ташаббуси билан махсус теракзорлар бунёд этилди. «Вилоятимизни яшил боғларга буркайлик» кўрик-танлови якунига кўра Қибрай ва Ўртачирчиқ туманлари ғолиб деб топилди.

Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги табаррук зиёратгоҳларга вилоят фахрийларининг сафарлари уюштирилди. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши билан ҳамкорликда Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига уюштирилган икки кунлик сафар қарияларда катта таассурот қолдирди. Оққўрғон, Қуйичирчиқ, Зангиота ва Бўка туман кенгашлари ҳам Самарқандга саёҳат уюштириб, савобли иш қилди. Мамлакатимизнинг пойтахтидаги «Шаҳидлар хиёбони», «Хотира хиёбони», Темурийлар тарихи давлат музейи ва бошқа диққатга сазовор жойларга қарияларнинг саёҳатини ташкил этиш ҳам одат тусига кириб борди.

Маънавий-маърифий, оммавий-маданий ҳамда тарбиявий ишларнинг беш йиллик таҳлили шуни кўрсатадики, вилоят, туман ва шаҳар бўлимлари, жамоатчилик марказлари бу масалаларга йилдан-йил алоҳида эътибор билан қарайдиган бўлиб қолдилар. Нуронийларнинг бу ишларга иштироки фаоллашди.

Маҳаллалар ва меҳнат жамоаларида ўтказилаётган учрашувлар, уч авлод мулоқотлари, давра суҳбатларининг мавзу доиралари кенгайди. «Мустақиллик самаралари», «Миллий қадриятлар - халқ мулки», «Биз мустақилликни мустаҳкамлаш ишига қандай ҳисса қўшяпмиз?», «Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти», «Ватан қисмати - менинг қисматим», «Ватан тинчлиги - юрт бойлиги», «Террор ўчоқлари - XXI аср вабоси», «Ўз уйингни ўзинг асра» каби долзарб мавзулар асосий ҳолларда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилувчи маънавий-маърифий ва тарбиявий тадбирларда асосий фикрни бошқа нотиқлар ҳам қувватлаб, янги баркамол авлод тарбиясини янада кучайтириш лозимлигига эътиборни қаратишди.

САМАРАДОРЛИК – БОШ МЕЗОН

Конференция қатнашчилари тасарруфдаги корхоналар, деҳқон-фермер хўжаликларининг фаолиятини муҳокама қилишга Президент фармонидаги: «...Жамғармани ўзини ўзи мустақил бошқарувчи, маблағ билан таъминловчи ва мустақил фаолият кўрсатувчи жамоат бирлашмаси эканлиги таъкидлансин...» деган кўрсатмадан келиб чиқишди. Биз фаолиятимизнинг бу муҳим соҳасига доим ана шундай нуқтаи назардан ёндошишимиз шарт, деб таъкидлади маърузачи. Корхоналардан олинаётган иқтисодий самара жамғармани маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаи бўлиши керак. Бу даромадларнинг маълум қисми фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфланмоғи лозим.

Бу вазифанинг тўлиқ уддасидан чиқаётган туман ва шаҳар бўлимлари йўқ эмас, албатта. Масалан, Бўстонлиқ, Ўртачирчиқ, Оҳангарон, Чиноз туманлари, Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳарларида бу борада ибратли тажрибалар бор. Улар янги кичик корхоналар, фермер хўжаликлари ташкил этиб, мўмай даромад олмоқдалар.

Айни пайтда танқидий фикрлар ҳам айтилди. Хусусан, Чирчиқ шаҳрида икки йилдан бери корхоналар фаолият қўрсатмаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Қибрай туманида эса кейинги икки йил ичида биронта янги корхона ташкил қилингани йўқ. Бундан ташқари жамғарма тасарруфидаги ер майдонларидан унумли фойдаланиш, олинаётган даромадларни ҳисоб-китоб қилиш ишларида жиддий чалкашликлар бор. Бекобод ва Ангрен шаҳар бўлимларининг бу соҳадаги фаолиятида жиддий нуқсонларга йўл қўйилган. Шу боис бу ташкилотларнинг раҳбарлари янгиланди.

Қишлоқ туманлари бўлимларининг асосий истиқболи фермер-деҳқон хўжаликларини ривожлантиришдадир. Чунки майда-чуйда, тижорат билан шуғулланадиган корхоналар иқтисодий самара бера олмайди, улар ҳеч қачон асосий даромад манбаи бўла олмайди. Ана шуни ҳисобга олиб, 2000-2001 йилларда жамғарма вилоят ҳамда қатор туман ҳокимликларининг ёрдамида ер майдонлари ажратилишига эришди. Ҳозир қишлоқ туманлари бўлимлари тасарруфида жами 192,2 гектар ер майдонлари ва 16 гектар ҳосилга кирган мевазор боғлар бор.

Бугунги кунда вилоятда жамғарманинг 58 та корхона ва фермер хўжаликлари мавжуд. Албатта, вилоятнинг имкониятларини ҳисобга олганда бу жуда кам. Янги-янги корхоналар ташкил этиш, ишчи ўринларини кескин кўпайтириш имкониятларидан етарли фойдаланмаётир.

Конференцияда жамғарма бўлимларининг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятига тўғаноқ бўлиб турган бошқа сабаблар ҳам тилга олинди. Чунончи, бундай тижорат корхоналаридан солиқ ундириш амалиётидаги чалкашликлар давом этаётгани кўрсатиб ўтилди.

Конференцияда жамғарма бўлимлари фаолиятининг бошқа масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгашининг раиси Эркин Боқибоев конференцияда сўзга чиқди.

Конференцияда тегишли қарорлар қабул қилинди, жамғарманинг Тошкент вилоят кенгаши ҳамда тафтиш комиссиясининг таркиблари ва республика қурултойига делегатлар сайланди. Нуъмон Насимов жамғарма вилоят кенгашининг раислигига қайта сайланди.

Ж. САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

КЎМАКДОШ, МАСЛАҲАТГЎЙ ВА УСТОЗ

Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилоят бўлимининг конференциясидан

(Давоми. Боши 1-бетда).

Пенсия таъминоти

ЯНГИЛИКЛАРНИ БИЛАСИЗМИ?

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг ташаббуси билан 2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинди. Шу муносабат билан 2002 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури тўғрисидаги қарори қабул қилинди ва уни амалга ошириш йўллари, мақсадлари ва аниқ ижрочилари белгилаб берилди.

Бундан ташқари, Олий Мажлиснинг 2001 йил 5 декабрдаги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2002 йил 25 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори қабул қилинди.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири мазкур ҳужжатларни шарҳлаб беришни илтимос қилиб, Тошкент вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари ***Валерий Арутюнянга*** *мурожаат қилди.*

– Валерий Исакович, қабул қилинган ҳукумат қарорининг асосий моҳияти ва йўналишлари, амалга ошириш муддатлари ва тартибини тушунтириб берсангиз.

– Мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йилларида давлат, турли нодавлат, жамоат ташкилотлари, ҳомийларнинг ҳаракати ва маблағларини бирлаштириб, биринчи галдаги ижтимоий вазифаларни ҳал қилиши яхши анъанага айланиб қолганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. 2002 йил ҳам бундан истисно эмас. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуслари билан жорий йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинди. Шу муносабат билан ишлаб чиқилган Дастурга қайтиб, шуни айтмоқчиманки, у Олий Мажлис томонидан маъқулланган 2002-2003 йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш дастури билан узвий боғлиқ. Уни ишлаб чиқишда давлат ҳамда ҳукуматга қарашли бўлмаган тузилмалар, жамоат ташкилотлари, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшларнинг ижтимоий ҳаракати ва бошқаларнинг таклифлари ҳисобга олинган, албатта.

Давлат дастури беш бўлимдан иборат бўлиб, улардан ҳар бири аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини муҳофаза қилишга доир аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни ўз ичига олади.

– Дастур доирасида пенсияларни ва ижтимоий нафақаларни ошириш кўзда тутилган. Бунда пенсия тайинлаш учун талаб қилингандан ортиқ иш стажига нисбатан амалдаги чеклашлар бекор қилиниб, пенсия ҳисоблаб чиқариш кўзда тутилган. Бунинг механизм ва бажарилиш муддатларига батафсил тўхталиб ўтсангиз.

– Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддасида: «Пенсия миқдорини иш стажи ҳисобга олиниб, ҳисоблаб чиқаришда маълум чегара белгиланган: иш стажи ҳисобга олинган пенсия миқдори ёшга доир ва I, II гуруҳ ногиронлик пенсиялари учун пенсия ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақининг 75 фоизидан, иккинчи гуруҳ ногиронлиги ва боқувчисини йўқотган оиланинг ҳар бир аъзосига тайинланадиган пенсия миқдори пенсия ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақининг 40 фоизидан ошмаслиги керак», – дейилган.

Қарияларнинг моддий турмуш шароити даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги Фармони билан шу йил 1 январдан бошлаб тўлиқ пенсия тайинлаш учун талаб қилинадиган ортиқ иш стажига қўйилган амалдаги чеклашлар бекор қилинди.

– Мазкур қоидани мисоллар билан тушунтириш мумкинми?

– Масалан пенсия олувчи аниқ гуруҳларни оламиз. Дейлик, уруш қатнашчиси бўлган эркак киши 47 йиллик иш стажига эга. Пенсия ҳисоблаб чиқариладиган ўртача ойлик иш ҳақи 19700 сўмни ташкил қилади. Ҳозирги кунда бу кишининг ёшга доир пенсияси миқдори 16490 сўм, яъни 19700 сўмнинг 75 фоизи – 14775 сўмга уруш қатнашчиси сифатида энг кам иш ҳақининг 50 фоизи – 1715 сўм қўшилган.

Шу кишининг пенсия миқдори 2002 йил 1 январдан бошлаб 16884 сўм бўлади. Яъни, 19700 сўмнинг 77 фоизи – 15169 сўмга уруш қатнашчиси сифатида энг кам иш ҳақининг 50 фоизи – 1715 сўм қўшилади. Унинг пенсияси иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида оширилади.

Ёки, айтайлик, умумий касалликдаги 2-гуруҳ ногирони бўлган аёл 35 йиллик иш стажига эга. Унга ногиронлик гуруҳи белгиланганда, ёши бўйича 11 йиллик иш стажи талаб қилинган. Пенсия ҳисоблаб чиқариш учун ўртача йиллик иш ҳақи 17800 сўм бўлган. Ҳозирги кунда унга 13350 сўм миқдорида, яъни 17800 сўмнинг 75 фоизи миқдорида пенсия тўланмоқда. 2002 йил 1 январдан бошлаб эса бу аёл оладиган пенсия миқдори 14062 сўмни – 17800 сўмнинг 79 фоизини ташкил қилади. Пенсия миқдори 4 фоизга оширилади.

Яна бир мисол. Айтайлик, бир оила аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган. Боқувчисининг иш стажи 40 йилни ташкил этган. У вафот этган пайтда 17 йиллик иш стажи талаб қилинган. Вафот этган боқувчисининг ўртача ойлик иш ҳақи 22400 сўмни ташкил этган. Ҳозирги кунда оилага 8960 сўм, 22400 сўмни 40 фоизи миқдорида тўланмоқда.

2002 йил 1 январдан бошлаб бу оилага 9296 сўм – 22400 сўмнинг 41,5 фоизи миқдорида пенсия белгиланади.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, пенсияларнинг миқдори иш стажининг давомийлиги, сифати ва иш ҳақига боғлиқ бўлади.

– Валерий Исакович, сиз билан иш стажлари ҳақида фикрлашдик. Шу иш стажини ҳисоблашда яна қандай ўзгаришлар бўлганини айтиб берсангиз.

– Иш стажини ҳисоблаш тартиби ўзгаришсиз қолди. Бироқ шуни ҳисобга олиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни жорий қилингунга қадар пенсияга чиққан пенсионерларнинг 1994 йил 1 июлгача орттирган иш стажлари ҳисобга олинади. Бошқа пенсионерлар учун эса, пенсияга мурожаат қилгунга қадар бўлган иш стажлари эътиборга олинади.

Пенсионер пенсия тайинлангунга қадар мавжуд бўлган иш стажи тўғрисида қўшимча ҳужжатлар топширган ҳолларда пенсия пенсионер қайта ҳисоблашни сўраб мурожаат қилган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.

Минбардан билдирилган фикрлар

САҲОВАТПЕШАЛИК

Мамат ТУРСУНАЛИЕВ,
«Нуроний» жамғармаси Олмалиқ шаҳар кенгашининг раиси:

– Мустақиллик йилларида мамлакатимизда уруш ва меҳнат фахрийлари учун кўпдан-кўп имтиёзлар берилмоқда. Йирик саноат шаҳри – Олмалиқда ҳам кекса авлод улардан баҳраманд бўлаяпти.

Бу йил қарияларни қадрлаш борасида янада кўламли амаллар рўёбга чиқариляпти. Айниқса, ёлғиз, ётиб қолган қарияларга алоҳида мурувват кўрсатилмоқда. «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастурида бу тадбирлар мукаммал белгилаб қўйилганлиги кўнгилларга ҳузур ва ифтихор бағишламоқда.

Шу муносабат билан бир масалага эътиборни қаратмоқчиман. Бизнинг Олмалиқда 300 нафардан ортиқ ётиб қолган қариялар яшаб туришипти. Бўшаб қолган бинолардан бирида улар учун пансионат очилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ишни йирик корхоналар, саҳоватпеша тадбиркорлар ўз зиммаларига олишлари мумкин.

ИЖРО БИР ГУЛТОЖ

Ҳадича СОАТОВА,
Меҳнат фахрийси, Янгийўл тумани:

— Президентимизнинг фармонлари, ҳукумат қарорларининг ижроси ҳақида гапирмоқчиман.Уруш ва меҳнат фахрийлари кексалигини таъминловчи неки фармон ва қарор бор, ҳаммаси бажарилмоқда. Давлатимизнинг бу эътибори ҳаммамизни яхши ишларга ундаяпти.

Туманимиз йил сайин обод ва кўркам бўлиб бораяпти. Хотира майдони ёшларни тарбиялаш марказига айланди. Янги қурилган коллежда фарзандларимиз касб-ҳунар эгаллаб, баркамол инсонлар бўлиб етишмоқдалар. Бунда биз қабул қилинган қарорлар, фармон ва қонунларнинг ижросини кўрамиз. Фақат сўзи билан иши бир жамиятдагина бу тамойилга амал қилинишини яхши биламиз. Шу ғурур, шу ифтихор бизга куч-қувват бағишламоқда.

БОҒЛАР БАРПО ЭТАЙЛИК

Маннап РИХСИЕВ,
Тошкент туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги фахрийлар кенгашининг раиси:

— Кейинги кунларда янгиликлар, ўзгаришлар ҳамма қатори биз қарияларга ҳам янгидан ёшлик шижоатини бағишламоқда. Ўзимдан мисол. Пенсияга чиққанимдан кейин 10 гектар ерда кўчатчилик билан шуғуллана бошладим. Бу хайрли ишда хўжалигимиз ва туманимиз раҳбарлари мени қўллаб-қувватлашди.

Мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етиштириб сотишдан мўмай даромад тушаётир. Бу маблағларни кам таъминланган, боқувчисиз қолган хонадонларга, мактабларга, кўзи ожизлар жамиятига ёрдам кўрсатишга сарфламоқдамиз.

Юртимизга яна баҳор келаяпти. Келинг, азизлар, ҳар биримиз баҳоли-қудрат кўчат экиб, боғлар барпо этайлик. Бу боғлар келгуси авлодларга сиз билан бизнинг ҳимматимиздан бир эсдалик бўлиб қолсин.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар ● одамлар ● воқеалар

ХОЛО ОРОЛИДАГИ ТЎҚНАШУВ

Ўтган ҳафта охирида Филиппин жанубидаги Холо оролида ҳукумат қўшинлари билан "Абу Сайёф" террорчи гуруҳи ўртасида яна жанг бўлди. Хабарларга кўра, тўқнашувда 20 нафар жангари ҳалок бўлган. Мудофаа вазирлиги вакилининг айтишича, "Абу Сайёф"га қарши курашда Филлиппин қўшинларига АҚШ ҳарбийлари ёрдам бергани тўғрисидаги хабар - уйдирма. Америкалик аскарлар мамлакатдаги террорчиларни тор-мор қилишга ҳали бош қўшгани йўқ. Аммо, қўшма ҳарбий операция яқин кунларда бошланиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

ҲОЗИРЧА НОМАЪЛУМ

Якшанба куни Коста-Рикада президент сайлови бўлиб ўтди. Ҳали янги президент аниқланганги йўқ. Дастлабки маълумотларга қараганда, ҳозирча номзодлар орасида Социал-насронийлар бирлиги партияси вакили Абел Пачеко етакчилик қилмоқда. Унинг учун сайловчиларнинг 38,5 фоизи овоз берган. Мамлакат қонунларига кўра, сайловда ғалаба қозониш учун 40 фоиздан кўп овоз олиш лозим. Агар, ушбу натижа қўлга киритилмаса, мамлакат тарихида илк бор сайловнинг иккинчи босқичини ўтказишга тўғри келади.

ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТИ

Якшанба куни Туркиянинг Афон вилоятида олти баллик зилзила рўй берди. Сўнгги маълумотларга кўра, силкиниш туфайли 45 киши ҳалок бўлган, икки юзга яқин одам жароҳатланган. Табиий офат юз берган ҳудудда жами 150 иншоот вайронага айланган. Ҳозирча умумий зарар миқдори аниқлангани йўқ.

КЎНГИЛЛИЛАР ЖОНБОЗЛИК КЎРСАТМОҚДА

Индонезияда табиий офат туфайли бошпанасиз қолган юз минглаб одамлар ҳукуматга норозилик билдирмоқда. Уларнинг таъкидлашича, ҳукумат ёғингарчилик, сув тошқинлари оқибатларини бартараф қилишнинг чорасини кўрмаётир. Давлат идораларидан кўра мурувват ташкилотлари вакиллари ҳамда кўнгиллилар кўпроқ жонбозлик кўрсатмоқда.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Мексика президенти Висенте Фокс расмий ташриф билан Кубага келди. У Куба раҳбари Фидел Кастро билан учрашиб, минтақавий хавфсизлик, Колумбия, Венесуэла ва Аргентинадаги вазият ҳамда икки томонлама алоқалар билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди. Музокаралар якунида имзоланган ўзаро сармояларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги битим, В.Фокснинг фикрича, икки мамлакатнинг иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ва ЎзА ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Ўқувчиларимиз – халқаро олимпиада ғолиби

Шу йил 8-15 январь кунлари Москвада мактаб ўқувчиларининг рус тили фани бўйича I Халқаро олимпиадаси бўлиб ўтди.

МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларидан келган юз нафардан зиёд иштирокчи орасида ўзбекистонлик бир гуруҳ ёшлар ҳам қатнашди. Олимпиадада юртдошларимиз "Энг кучли жамоа" сифатида эътироф этилди.

Тошкентдаги 50-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Нина Грановская, шу мактабнинг 10-синф ўқувчиси Мария Репина, 300-мактаб ўқувчиси Луиза Миндуллина, 182-мактаб ўқувчиси Надежда Шоркина, 107-мактаб 9-синф ўқувчиси Елена Куценко, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг академик лицейи ўқувчиси Комила Муҳаммадхонова, Чирчиқдаги 15-мактаб ўқувчиси Виктория Горбачева эса Олимпиаданинг турли номинациялари бўйича махсус дипломлари билан тақдирланди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Мамлакатимизда ҳарбий-ватанпарварлик руҳида яратилган энг яхши асарлар ижодкорлари, санъат намояндалари, оммавий-ватанпарварлик ишларини намунали йўлга қўйган "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят, туман (шаҳар) кенгашлари раисларини, шунингдек, ҳарбий қисмларда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни такомиллаштиришда фаол иштирок этаётган ҳарбий хизматчиларни тақдирлашга бағишланган "Ватан ҳимоясида" мавзуидаги танлов якунланди.

Пойтахтимиздаги Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида "Ватан ҳимоясида" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлди.

Ғолибларни Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ва мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий Кенгашининг раиси Абдулазиз Абдуқаҳҳоров табриклади.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Тадбир

ИЗЗАТ

Яқинда ҳисобот йиғилишида қатнашиш мақсадида Тошкент туманидаги Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли ширкат хўжалигига бордим. Ҳали вақт эрта эди. Идора олдида уч-тўрт автобус ва тўп-тўп бўлиб турган қарияларга кўзим тушди.

— Отахонларимиз ҳам мажлисда қатнашадиларми?

— Йўқ, — деб айтишди менга, — ҳозир уларни автобусда шаҳар айлантириб келамиз. Мустақиллик даврида бўлган беқиёс ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўриб қайтишсин.

Тушга яқин отахонлар қайтиб келишди. Уларнинг таассуротлари бир олам эди.

— Тошкентимиз очилиб кетибди, — деб айтишди улар, — бу муҳташам, кўркам, осмонўпар бинолару равон кўчаларни кўриб, кўзингиз қувнайди. Ҳукуматимизга, Юртбошимизга раҳмат. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофатидан.

Сўнгра отахонларни безоғлиқ дастурхонга таклиф қилишди. Эл ишига камарбаста бўлиб, баҳоли қудрат меҳнат қилиб, хўжалик ишига ҳисса қўшган энг фаол қарияларнинг номлари ҳурмат билан тилга олиниб, эъзозланиб раҳматлар айтилди. Таниқли санъаткорлар уларнинг хизматида бўлишди.

Носир РИХСИЕВ.

Сўраган эдингиз

СОЛИҚДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

2002 йилнинг январидан бошлаб Республикамизда жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғининг янги ставкалари жорий этилди.

«Туркистон-пресс» мухбирининг мамлакатимиз парламенти сўнгги сессиясида солиқ қонунларига киритилган ўзгаришлар тўғрисида саволларига Давлат солиқ қўмитаси солиққа тортиш услубиётини такомиллаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Рустам Баҳромов жавоб берди:

– Рустам Асқарович, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 24 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини жорий этиш тартиби тўғрисида»ги қарорининг 5 бандига нима сабабдан ўзгариш киритилди?

– 5 банднинг дастлабки таҳририга кўра, жисмоний шахслардан олинадиган ялпи даромадларни декларациялаш 2002 йил бўйича амалга оширилиши лозим эди. Лекин солиқ идоралари ва аҳоли олдида ялпи даромадларни декларациялашга ўтиш имконини бермайдиган маълум қийинчиликлар бор. Чунончи, аҳоли ва солиқ хизмати бунга тайёр эмас, қолаверса, етарли ҳуқуқий асослар йўқ. Бундан ташқари, аҳоли ялпи даромадларини декларациялашга ўтиш анча-мунча моддий ва молиявий маблағ талаб қилади. Шуларни ҳисобга олиб, жисмоний шахслар даромадини декларациялашга ўтишни 2003 йил даромади бўйича бошлашга қарор қилинди. Бошқача айтганда, даромадларни декларациялаш 2004 йилнинг 1 январидан то 1 апрелига қадар амалга оширилади.

– Икки-уч жойдан даромад оладиган фуқаролар ҳозир ҳам ялпи даромад декларацияси тўлдирадилар. 2003 йилда олинган даромадларни декларациялашни қайси тоифадаги фуқаролар амалга оширишлари лозим?

– Бу муҳим масалалардан бири бўлиб, ҳозир уни ҳал этиш арафасидамиз. Даромад декларациясини, даромад манбаи қанча бўлишидан қатъий назар, барча фуқаролар тўлдиришлари керак, деган таклифлар бор. Биз декларациялашга босқичма-босқич ўтишни таклиф қиламиз, бизнингча, бошланғич босқичда фақат битта даромад манбаига эга, лекин ёлланма ишчи кучи сифатида ишламайдиган фуқаролар даромад декларацияси тўлдиришлари лозим эмас. Булар ҳуқуқий мақомга эга бўлмасдан якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчи кишилардир. Аҳолининг бу тоифаси ҳозир фақат белгилаб қўйилган даромад солиғи тўлайди, даромадини декларацияламайди.

«Аҳоли даромадини декларациялаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинса, ҳаммаси ўз ўрнига тушади. Давлат солиқ қўмитаси томонидан тайёрланган бу қонун лойиҳаси ҳозир ҳукумат эътиборига ҳавола этилган.

– Солиқ кодексига киритилиб, 2002 йил январидан жорий этилган ўзгартишлар нималардан иборат?

– Гапни жисмоний шахсларга тегишли бўлган жиддий ўзгаришлардан бошлайдиган бўлсам, улардан бири шуки, 2002 йилнинг 1 январидан бошлаб, автотранспорт воситалари учун олинадиган солиқ бекор қилинди. Унгача бу солиқ автотранспорт воситаси двигателининг кучига қараб тўланар эди. Энди солиқ бензин, дизел ёнилғиси ва суюлтирилган газ сарфи учун ундирилади. Бир литр бензин учун солиқ миқдори 20 сўм, 1 килограмм суюлтирилган газ учун 17 сўм қилиб белгиланди. Бу солиқ бевосита ёнилғи қуйиш шаҳобчаларида ушлаб қолинади. Илгари автотранспорти бўлган фуқароларнинг ҳаммаси, уни ишлатиш-ишлатмаслигидан қатъий назар, солиқ тўлашга мажбур эди. Бу бизнинг назаримизда, автотранспортдан кам фойдаланувчиларга нисбатан инсофсизлик бўлиб туюлди.

Шунингдек, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг миқдори ҳам ўзгарди. Бу қуйидагича белгиланди:

Ялпи даромад ҳажми	Солиқ миқдори
Энг кам иш ҳақининг тўрт баробаригача бўлган ҳажмда	Даромаднинг 13 фоизи
Энг кам иш ҳақининг тўрт баробаридан (+ 1 сўм) саккиз баробаригача бўлган ҳажм	Тўрт баробаридан олинган солиқ ва энг кам иш ҳақининг тўрт баробаридан ошган ҳажмдан + 23 фоиз
Энг кам иш ҳақининг саккиз баробаридан (+ 1 сўм) ва ундан кўп ҳажмдан	Саккиз баробаридан олинадиган солиқ ва энг кам иш ҳақининг саккиз баробаридан ошган ҳажмдан + 33 фоиз

– Солиқ кодексида ҳуқуқий шахсларга тегишли қандай ўзгаришлар бўлди?

– 2002 йил 1 январидан бошлаб корхоналар даромадидан (фойдасидан) олинадиган солиқ миқдори 24 фоизга пасайди. Ўтган йили бу миқдор 26 фоиз эди.

Товарлар ва хизматлар экспортини рағбатлантириш чоралари ҳам кўрилди. Жорий йилгача товарлар ва хизматлар экспорт қилишдан хорижий валютада олинадиган даромадлар солиқдан бутунлай озод қилинган эди. Товарлар ва хизматларнинг ички бозорда сотилишидан келадиган даромад эса солиққа тортиларди.

2002 йил 1 январидан бошлаб экспорт қилувчи корхоналарнинг барча фойдасидан даромад солиғи олинади. Бунда солиқ ҳажми, янги миқдорларга кўра, экспорт улушига боғлиқ бўлади. Айтайлик, экспорт улуши сотилган жами ҳажмнинг 15 дан 30 фоизгачани ташкил этса, у ҳолда даромад солиғи 30 фоизга камаяди. Агар экспорт улуши 30 фоиз ва ундан кўп бўлса, унда солиқ миқдори икки баравар қисқаради. Экспорт қилувчи корхоналар даромадидан олинадиган умумий солиқ сўмда ундирилади.

Ҳуқуқий шахсларни солиққа тортиш тизимида яна бир туб ўзгариш бўлди. Мулк солиғининг миқдори камайди. Жорий йилдан бошлаб корхоналар 5 фоиз ўрнига 2 фоиздан, боз устига асосий маблағнинг қолдиқ қиймати бўйича солиқ тўлайдилар.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

ОМАД ЁР БЎЛСИН, ИРОДА!

Иқтидорли теннисчимиз Ирода Тўлаганова учун 2001 йил омадли келган эди. Бир неча нуфузли турнирда муваффақиятли иштирок этган Ирода йил якунида дунёнинг энг кучли ракетка усталари рейтингида йигирманчи поғонада мустаҳкам ўрнашиб олганди.

Теннисчимиз учун 2002 йил ҳам омадли бошланди. Ирода "Катта дубулға" туркумига кирувчи тўрт мусобақадан дастлабкиси – Австралия очиқ чемпионатида анча кучли ўйин намойиш этиб, учинчи босқичгача етиб борди. Юртдошимизнинг янги мавсумга ана шундай шиддат билан киришгани ўз самарасини берди. Ирода Аёллар теннис уюшмаси (WTA) томонидан янги эълон қилинган жаҳоннинг энг кучли йигирма теннисчиси рейтингида 1224 очко билан бир поғона юқорига – 19 ўринга кўтарилди.

Ушбу рейтингда ҳамон америкалик Женифер Каприатти карвонбошилик қилмоқда. Унинг ортидан эса ҳамюрти Винус Уильямс ва швейцариялик машҳур теннисчи Мартина Хингис жой олган. Шу пайтгача иккинчи поғонани эгаллаб келган АҚШ вакиласи Линдсей Дэвенпорт тўртинчи ўринга тушиб қолди. Кучли теннисчилар рўйхатида юртдошимиз анча вақтгача эгаллаб турган йигирманчи поғона эса австриялик Барбара Шеттга насиб этди.

Ирода теннис оламида бундай натижаларга эришаётган ўзбекистонлик биринчи ракетка устасидир. Лекин бу ютуқ теннисчимиз учун чегара эмас, албатта. Унинг юлдузли онлари ҳали олдинда. Вақти келиб И.Тўлаганова мазкур рейтингда биринчи поғонага кўтарилса, не ажаб! Омад сенга ёр бўлсин, Ирода!

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ (ЎзА).

ЮЛДУЗЛАР «РЕАЛ»ДА

Испаниянинг «Реал» клуби ўз сафини жаҳон футбол юлдузлари билан янада бойитишни истаган кўринади. Яқиндагина франциялик легионер Зиданни ўз сафига қўшиб улгурган «Реал» президенти Флорентино Перес Каталониянинг «Барселона» клуби етакчи футболчиси Ривальдони ўз сафига қўшиб олишини билдирди. У гапининг устидан чиқадиган бўлса, «Барселона» ўзи ишонган футболчиларининг яна биридан ажралишига тўғри келади.

ЯНГИ МУРАББИЙ

Голландия терма жамоаси 2002 йилги жаҳон чемпионатининг саралаш босқичларидаёқ омадсизликка юз тутган эди. Шундан сўнг ўз фаолиятини «Глазго Рейнжерс» клубида олиб бориб, қандайдир сабабларга кўра истеъфога чиққан Дик Адвокаат терма жамоанинг бош мураббийси этиб тайинланди. У биринчи июлдан бошлаб ишга киришади. Ҳозирча эса қизил лолалар жамоасини «Аякс» клубининг ёрдамчи мураббийси Рууд Крол бошқариб турибди. Крол бошчилигидаги Голландия термаси 13 февраль куни Англия миллий термасига қарши ўртоқлик учрашуви ўтказади.

КАНАДА МЕЗБОНЛИККА ДАЪВОГАР

Канада олимпия уюшмаси Халқаро Олимпия Қўмитасига (ХОҚ) расмий мактуб йўллаб, 2010 йилги Олимпиада ўйинларини Ванкувер ва курорт шаҳар – Уистлер тоғларида ўтказишни таклиф қилди.

Таъкидлаш жоизки, ХОҚ шу йил август ойида 2010 йилги олимпиадага мезбонлик қилиши мумкин бўлган шаҳарлар номини эълон қилиши лозим. Номзод шаҳарлар орасидан қайси бирига омад кулиб боқиши 2003 йилнинг июлида маълум бўлади.

СКАНВОРД



Тузувчи: Акромжон ХЎЖАМОВ.

Кулгига нима етсин!

Шифокорга бемор деди:

– Дўхтир, мен зерикиш касаллигига йўлиққанга ўхшайман.

– Унинг давоси осон, – деди шифокор, – сиз бошингиз билан меҳнатга шўнғишингиз шарт. Шунда барчасидан қутуласиз.

– Қандай қилиб, ахир мен бетон қораман-ку, – деди қути ўчган бемор.

* * *

– Ойи, мен унга турмушга чиқмайман. Қачон қарасангиз кўзини қисиб юргани юрган.

– Вой қизгинам-ей! Бунга асло парво қилма. Тўйдан кейин ўзинг кўзини мошдек очиб қўясан.

* * *

– Эшитдингизми, янги ишга келган киши қамалиб чиққан эмиш.

– Қизиқ, ахир ҳозиргина менга икки йил қариндошларим орасида яшадим, деди-ку!

– Тўғриликка тўғрику-я, лекин унинг қайнона, қайнота ва қайниси ҳам қамоқда экан-да.

* * *

– Кечаси яхши ухлайсизми?

– Ҳа, доктор.

– Ким бўлиб ишлайсиз?

– Тунги сокчи.

* * *

Машҳур спортчи қаттиқ шамоллаб қолибди.Унинг ҳароратини кўрган шифокор ажабланиб:

– Ўх-ҳў, ҳароратингиз ўттиз тўққизу икки! – дебди.

Шунда бемор:

– Жаҳон рекорди қанча ўзи? – деб сўрабди ховлиқиб.

* * *

Беш ёшли болакай дадасидан:

– Нима учун ойимга уйлангансиз? – деб сўрабди.

Шунда эр хотинига қараб, тантанали оҳангда:

– Мана кўрдингми, сенга уйланганимга ҳатто муштдек бола ҳам ҳайрон бўляпти, – дебди.

* * *

– Эшитдингми, дугонанг ўз бошлиғига турмушга чиқибди.

– Хўш,турмушлари қандай экан?

– Умуман айтганда яхши. Авваллари бошлиқ унга буйруқ берган бўлса, энди дугонанг буйруқ бераётган эмиш.

МУСИҚАНИНГ ХОСИЯТИ



Моцарт мусиқасини тинглаган талабаларнинг ақлий қобилиятлари ошар экан. Калифорния университетида ўтказилган тажрибаларга асосланган физикачи Гердой Шоу ва руҳшунос Фрэнсис Раушерлар шундай хулосага келдилар. Улар 1997 йилда роялда мусиқа чалиш ва қўшиқ айтишга ўргатиш болаларда фикрлашнинг ривожланишига олиб келишини исбот қилган эдилар.

Японияликлар новвойхонада Моцарт мусиқаси янграса хамир 10 баравар тез кўпчишини аниқладилар. Энг яхши гуруч ароғи худди шу мусиқани тинглаган ачитқилардан олинади.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

«АСАКА» БАНКИ

Тошкент вилоят филиали

2002 йил 1 февралидан бошлаб банк амалиётларининг асосий йўналишлари бўйича хизмат кўрсатиш тарифларини такроран 30% дан 50% гача камайтирганлигини эълон қилади.

«Асака» банки Сизни ўзаро ҳамкорликка чорлайди!

Маълумот учун телефонлар: 120-84-04, 120-84-06.
Манзилимиз: 700031, Тошкент ш., Оқилов кўчаси, 40.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-56-29.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-164. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Адади 12040 нусха. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.45. 1 2 3 4 5 6